

“СЕХРГАРЛАР” ЛЕКСИК-ТЕМАТИК ГУРУХИ

**Исраилова Сайёра Ташпулот қизи,
иілмий тадқықотчи, ҮзДЖТУ**

Аннотация:

Ушбу мақолада эртаклардаги сеҳргарлар, сеҳргарлик ефхилии хакида. Инглиз эртакларида сеҳргарлар ролини күпинчә уларнинг ўринини босувчи (ўринбосарлар) - сеҳрли кучга эга ҳайвонлар (от, қулранг бўри, эчки, айик, сигир ва бошқалар) бажарадилар. Бундан ташқари, кўпчилик синоним сўзларда бўлганидек, сеҳргар лексемаси ҳам ижобий ва салбий каби услубий маъноларни касб этади (сеҳргар-ижобий, жодугар- салбий, афсунгар- бетараф). Яна бир жиҳати шундаки, турли эртакларда сеҳргарлар қиёфасидаги шахс турлича қиёфада ифодаланади, масалан, сеҳргар қиз, афсунгар қирол, жодугар қиролича, сеҳргар кампир.

Калит сўзлар:

Сеҳргарлик, сеҳргар лексемаси, ко.нцепт, лексик тематик.

Аннотация:

Эта статья о волшебниках в сказках. В английских сказках роль волшебников часто исполняют их заменители - животные, обладающие магическими способностями (лошади, серые волки, козы, медведи, коровы и т. д.). Кроме того, как и во многих синонимичных словах, лексема также имеет методологические значения, такие как положительное и отрицательное (положительное для мага, отрицательное для ведьмы, нейтральное для мага). Другой аспект заключается в том, что в разных сказках человек в образе волшебника представлен по-разному, например, девушка-волшебница, король-волшебник, королева ведьм, старуха-волшебница.

Ключевые слова:

Магия, лексема чародея, ко.нцепт, лексико-тематическая

Annotation:

This article is about the magicians in fairy tales. In English fairy tales, the role of magicians is often played by their substitutes - animals with magical powers (horses, gray wolves, goats, bears, cows, etc.). In addition, as in many synonymous words, the lexeme of a magician also has methodological meanings such as positive and negative (magician-positive, witch-negative, magician-neutral). Another aspect is that in different fairy tales the person in the image of a magician is represented in different ways, for example, a magician girl, a magician king, a witch queen, a magician old woman.

Keywords:

Magic, magician lexeme, co.ncept, lexical thematic

“Сеҳр” концептини ўз ичига олувчи яна бир гурух сеҳр билан шуғулланувчи шахс отлари бўлиб, ушбу лексик-тематик гурух тадқиқ этилаётган тилда жуда кам таркибий бирликларни ўз ичига олади.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “сехргар” сўзига қуидагича таъриф берилади, шунингдек “сехрбоз”, “сехрчи” каби муқобил сўзлар маннодош сифатида келтирилади.

СЕХРГАР (а.+ф. – сехр, жоду қилувчи, афсунгар, жодугар) 1 Сехр билан ўзи ёки бошқаларни ҳар хил қиёфага киритувчи; афсунгар, жодугар (эртак ва афсоналарда). Чиройли йигит қиёфасига кириб олган сехргар Иблис, севгилимни қўлтиқлаб кетаётганини кўриб, ёниб кетдим. X. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. У сехргар бир думалаб, чумчук қиёфасига кирди-да, “пир” этиб учиб кетди. “Олгин бешик”.

2. кўчма Мафтун қилиб, ўзига боғлаб олувчи; фусункор. Сехргар қўзлар. Сехргар қиз.
– Радиодан дутор садоси таралар, сехргар куй Темиржоннинг қалбига кириб борар, унинг юзида маъсум латофат уйғотарди. Ж. Абдулахонов. Орият.

СЕХРБОЗ (а.+ф.) кам қўлланилади. айн. сехргар.

СЕХРЧИ айн. сехргар 1. (Ўзбек ойим:) Марғилонликнинг домласи сехрчи хинди эди,
– мен бўлсан бу ердан хинди домла топа олмадим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

СЕХРКОР айн. сехргар 2. (Гулхайрининг) Товуши майин, баҳор шабадасидаи сехркор мавжланиб, тўпша-тўғри дилга қўйиларди гўё. Ж. Абдулахонов, Тўфон .

Инглиз	Ўзбек
Magician	Сехргар
Enchanter	Сехргар
Wizard	Афсунгар
Witch	Жодугар
Sorcerer	Сехргар (эркак)
Wicked wizard	Ёвуз сехргар
Sorceress	Сехргар (аёл)
Wishmaster	Орзу фариштаси
Ginnee	Жин

Ушбу ЛТГ (лексик-тематик гурӯҳ) лексемалари иштирок этган эртак матнлари билан қуидида танишиб ўтамиз.

“When he had passed the water, he came to the wonderful cave, which looked terribly black and gloomy. But the wizard king was not at home, and his grandmother sat at the door in her easy-chair”.

Таржима: “У сувдан ўтиб, бир қарашда ўта даражада коронғу ва зимистон, аммо ажойиб бир ғор ёнига келди. Аммо афсунгар кирол уйда эмас эди, бувиси эшик ёнидаги ўзининг қулай курсисига чўккалади”.

"One day as the second soldier was walking with the princess, she saw him with the wonderful purse in his hand; and having asked him what it was, he was foolish enough to ask her; — though indeed it did not much signify, for she was a witch, and knew all the wonderful things the three soldiers brought".

Таржима: "Кунлардан бир кун иккинчи аскар малика билан кетаётгандарида, унинг кўзи қизга тушибди, аскар қўлида ажойиб бир ҳамён бор эди: у эса бу нима эканлигини қиздан сўраш даражасида ўлгудек довдир эди; — зотан бу қиз учун унчалик аҳамиятли нарса эмасди. Сабаби у сеҳргар бўлгани учун учала аскарнинг ҳам ўзлари билан қандай ажойиб нарсалар олиб келаётганини билар эди".

Энди эса ўзбек эртакларида сеҳргарлар қандай номлар билан аталишини таҳлилга тортамиз.

"Уйига шундай чироили қизнинг келганини кўрган кампир жуда қувонибди, қиз унга ёкиб қолибди. Бу кампир эса ўрмонда яшайдиган сеҳргар кампир экан. Кампир қизнинг йиглаганини кўриб:

— Кўп хафа бўлма, қизим, сенга ёрдам бераман, — деб қизни овутибди. Қиз ҳам унга:
 — Раҳмат! Мен сизни ўз онамдек кўраман. Буюрган ишингизни жоним билан қиласман, — деб жавоб берибди. Шу чоқ кампирнинг уйи тепасига жуда кўп қушлар йиғилибди, улар қизчани мақтаб сайрашибди. Қушлар тилини билган сеҳргар кампир яна ҳам қувонибди, хосиятли қизга дунёда топилмайдиган китоб ва кўтирчоклар бериб:

- Оппоқ қизим, ширин қизим, дўмбоғим, мунчоғим! - деб қизни эркалабди".

Сеҳргарлар ҳар бир сеҳргарлик эртакларида мавжуд, аммо юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир миллатда турлича ифодаланади, хусусан, инглиз эртакларида сеҳргарлар ролини кўпинча уларнинг ўрнини босувчи (ўринбосарлар) – сеҳрли кучга эга ҳайвонлар (от, кулранг бўри, эчки, айик, сигир ва бошқалар) бажарадилар. Бундан ташқари, кўпчилик синоним сўзларда бўлганидек, сеҳргар лексемаси ҳам ижобий ва салбий каби услубий маъноларни касб этади (сеҳргар- ижобий, жодугар- салбий, афсунгар- бетараф). Яна бир жиҳати шундаки, турли эртакларда сеҳргарлар киёфасидаги шахс турлича қиёфада ифодаланади, масалан, сеҳргар қиз, афсунгар кирол, жодугар қиролича, сеҳргар кампир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати". "Ўзбекистон нашриёти". Тошкент – 2020.
3-жилд. 492-бет.
2. "The three golden hairs" Grimms' Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 118-б)
3. "The nose" (Grimms' Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 215-б.)
4. "Зумрад ва Қиммат" (Ўзбек халқ эртаклари. Ўқитувчи – 2013, 37-бет)